"ТАСДИҚЛАНГАН" “O’ZSUVLOYIHA”очиқ акциядорлик жамияти (эмитентнинг номи) “O’ZSUVLOYIHA” ОАЖ Кузатув кенгаши қарори билан 2013 йил 02 декабрдаги мажлис баёни Кузатув кенгаши раиси _____Умаров Т.М. (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа Ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси) 2 декабрь 2013 йил (сана) М.Ў.	**"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"** Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) Бошқарма бошлиғи в.б. _____Р.Х.Хурамов (рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли Шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо) 21.01.2014 й. Q0612-7 -сон (сана) М.Ў.

АКЦИЯЛАРНИНГ ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“O’ZSUVLOYIHA” очиқ акциядорлик жамияти
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	7	Q	0	6	1	2	T	O

550 773 дона оддий, эгаси ёзилган 1 661 сўм номинал қийматга эга ҳужжатсиз акциялар
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

ёпиқ
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **еттинчи** чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган **Кузатув кенгашининг 02.12.2013 йилдаги қарори билан**
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

Кузатув кенгашининг 15.08.2013 йилдаги қарори асосида
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органик ўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:
100128, Тошкент ш., Шайхонтохур т., Шайхонтохур к., 1а-уй, телефон: 241-48-30, 241-15-04

Эмитент директори в.б.: Ш.А.Примов
(Ф.И.О., имзо)

Бош бухгалтер: Н.Э.Мавлянова
(Ф.И.О., имзо)

Муҳр Сана 02 декабрь 2013 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий, эгаси ёзилган.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 161 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **550 773 дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **914 833 953 сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- “O’ZSUVLOYIHA” ОАЖ акциядорлар реестрига киритилиш;

- депозитарийдаги депо ҳисоб варағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

- жамиятнинг дивиденд кўринишидаги фойдасининг қисми;

-акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда унга тегишли бўлган улушга мувофиқ мол-мулкка эга бўлиш;

- акциядорлик жамиятни бошқаришда қатнашиш;

- жамият уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

- олинган дивиденддан эркин фойдаланиш;

-қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштирувчи органда, шунингдек суда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ва эмитентларнинг ишни билмаслиги ёки ғаразли хатти-ҳаракати натижасида етказилган зарарларни ундириш;

- ўз манфаатларини тақдим этиш ва ҳимоялаш мақсадида уюшма ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозлар сотиб олишда кутиладиган зарарлар ва (ёки) даромаднинг бир қисмини йўқотиш билан боғлиқ хатарларни суғурта қилиш.

Акциядорлар жамият уставида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларид акўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Уставда ҳеч қандай чеклаш мавжуд эмас. Акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна асосида илгари чиқарилган кичик номинал қийматга эга акцияларни уларга айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **914 833 953 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Умумий сони – 550 773 дона оддий эгаси ёзилган ҳужжатсиз акция.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Эмитент томонидан облигациялар чиқарилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна асосида жамият акциядорлари ўртасида уларни илгари чиқарилган кичик номинал қийматга эга акцияларни айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Акцияларни айирбошлаш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.).

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш Жамиятнинг илгари жойлаштирилган кичик номинал қийматга эга акцияларини номинали йириклаштирилган янги чиқарилган акцияларига айирбошлаш йўли билан амалга оширилади, ҳар қандай битим тузиш кўзда тутилмайди.

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

Тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозларни сақлаш Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқларини ҳисобга олиш хизмат кўрсатувчи депозитарийлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Жамият акциядорлари реестрларини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказий рўйхатдан ўтказувчи тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ фирма номи: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: давлат унитар корхонаси.

Жойлашган ери: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10, тел.: 236-14-34, факс: 233-13-57, e-mail: info@deponet.uz, www.deponet.uz.

Хизмат кўрсатувчи депозитарийлар тўғрисидаги маълумотлар:

1. Тўлиқ фирма номи: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: давлат унитар корхонаси.

Жойлашган ери: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10, тел.: 236-14-34, факс: 233-13-57, e-mail: info@deponet.uz, www.deponet.uz.

2. Тўлиқ фирма номи: "Tsiar Depo" Масъулияти чекланган жамияти.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: Масъулияти чекланган жамият.

Жойлашган ери: 100077, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Чуст кўчаси, 2а.

Почта манзили: 100077, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Чуст кўчаси, 2а, тел.: 262-76-61, факс: 262-76-62.

Лицензия рақами ва берилган санаси: 773-сон, 26.11.2010 йилда берилган.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: муддатсиз.

Лицензияни берган орган: Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш Жамиятнинг илгари жойлаштирилган кичик номинал қийматга эга акцияларини номинали йириклаштирилган янги чиқарилган акцияларига айирбошлаш йўли билан амалга оширилади ва жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмайди.**

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Акциялар янги номинал қиймат (1661 сўм) билан жойлаштирилади.**

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Акцияларнинг 814 593 267 сўм миқдордаги илгари жойлаштирилган қисми номинал қиймати бўйича тўланган ҳисобланади, акциялар янги чиқарилишининг 100 240686 сўм миқдордаги кўпайтириладиган қисми жамиятнинг ўз капитали ҳисобига (тақсимланмаган фойдаҳисобига) тўланади.**

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисоб варақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

Баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

Баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

11.8.Жойлаштирилмаганда, ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиладиган улуш (бундай улуш ушбу акциялар чиқарилиши умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас.)

550 773 дона акциялар, яъни ушбу чиқарилишнинг 100 фоизи жойлаштирилмаганида, ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб эътироф этилади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар номинал қийматини аввалги ҳолатга қадар камайтириш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бухгалтерлик ҳисоби ҳужжатларида тегишли равишда қайта проводка ўтказилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Янги акция чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ахборот ваколатли давлат органининг сайтида (csm.gov.uz)қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда чоп этилади.

13. Бошқамаълумотлар.

Янги чиқарилиш тўғрисидаги қарорнинг ва эмиссия рисоласининг нусхаси ва асл нусхаси билан“O’ZSUVLOYIHA”OAЖнинг қуйидаги манзилида танишишингиз мумкин: 100128, Тошкентшаҳри, Шайхонтохур тумани, Шайхонтохур кўчаси, 1а-уй, телефон: 241-15-04, 241-48-30, 241-78-56.